Усманова Хулкар Маматовна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

“САЛОТИ МАСЪУДИЙ” АСАРИНИНГ НОДИР ҚЎЛЁЗМА НУСХАСИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIII аср охири ва XIV аср бошларида яшаб, илмий фаолият юритган фақиҳ Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг “Салоти Масъудий” асари ва унинг Шарқшунослик институти фондида сақланаётган нодир бир қўлёзма нусхаси ҳақида сўз боради. Қўлёзманинг манбашунослик жиҳатидан таркибий таҳлили амалга оширилади.

КАЛИТ СЎЗЛАР

Фиқҳ, Масъуд Самарқандий, XIII аср охири ва XIV аср бошлари, “Салоти Масъудий” асари, қўлёзма, нодир нусха, 3 та бўлим-жилд, таркибий таҳлил, Абу Ҳанифа, ҳанафийлик мазҳаби.

Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандий (XIII аср охири ва XIV аср боши)нинг “Салоти Масъудий” асари 14-асрдан буён халқимиз қадрлаб келаётган қимматли ва мўътабар асарлардан биридир. Мазкур асар дастлаб 83 бобдан иборат[1] бўлиб, кейинроқ у фиқҳий маълумотлар билан тўлдирилиб, 3 та бўлимга-жилдга ажратилган[2].

“Салоти Масъудий”нинг биринчи жилди асосан қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган: намоз, Ҳазрат Имоми Аъзам маноқиблари, таҳорат, ғусл ва ҳоказо.

Иккинчи жилди: масҳ, таяммум, қибла, қироат, намоз, азон, жамоат фазилати, нафл намозлар, мурдаларни ювиш, саждалар ва ҳоказо масалаларга бағишланган.

Учинчи жилди ҳуқуқий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган жузъиётлар: амалий ибодатлар - закот, рўза, ҳаж; оила ҳуқуқи - никоҳ, разоъ (эмиздириш), талоқ, идда; қасам, олди-сотди, рибо, ижара, вақф, қурбонлик, ҳудуд жазолари (Аллоҳ томонидан белгиланган жазолар), жиноят турлари, суд, даъво, гувоҳлик, қасос, сулҳ, жиҳод, васият, мерос ва бошқа кўплаб фиқҳий мавзу ва масалаларни ўз ичига олган.

Зарур фиқҳий масалаларни ўз ичига олган “Салоти Масъудий” асарига эҳтиёжмандлар кўп бўлганлиги сабабли котиблар томонидан Самарқанд, Қўқон, Хива, Бухоро, Тошкент ва бошқа шаҳарларда кўплаб нусхаларда кўчирилган. Кейинчалик тошбосма кашф этилгач, юқорида зикр этилган шаҳарларда, шунингдек Ҳиндистоннинг Бомбай, Покистоннинг Лоҳур ва бошқа шаҳарларида қайта-қайта нашр этилган.

“Салоти Масъудий” асари устида олиб борган изланишлар ҳозирда унинг қуйидаги қўлёзма ва тошбосма нусхаларини аниқлашга имкон берди:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди[3]да “Салоти Масъудий”нинг 37 та қўлёзма (34 та форсий, 3 та туркий), 21 та тошбосма нусхалари (16 та форсий, 5 та туркий);
2. Мазкур институтнинг Ҳамид Сулаймон фонди[4]да 12 та қўлёзма (форсий), 21 та тошбосма (13 та форсий, 8 та туркий) нусхалари;
3. Мусулмонлар идораси кутубхонаси[5]да 26 та қўлёзма нусхалари;
4. Тошкент ислом университети Манбалар хазинасида 4 та (3 та форсий, 1 та туркий) тошбосма нусхалари мавжуд.

Жами 121 та (75 та қўлёзма ва 46 та тошбосма) нусхалар қайд этилди.

“Салоти Масъудий” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган № 4041-рақамли қўлёзмаси асарнинг қадимий, нодир нусхаларидан бири бўлиб, XIV асрга

мансуб. Қўлёзма шарқ қоғозига сулс хатида, зул-ҳижжа ойининг 16-куни 733 ҳижрий йилда (28 август 1333 йил) Тараз шаҳрида кўчирилган. Котиб – Носир ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Кирмоний ал-Ғазнавий.

Мазкур қўлёзманинг муқаддимаси йўқ бўлиб, матн учинчи бобнинг ўртасидан бошланган. Демак, бу нусха тўлиқ бўлмаганлиги ва асарнинг таркибий таҳлилини мукаммал тарзда амалга ошириш имконсиз бўлганлиги учун қадимийлик нуқтаи назаридан иккинчи ўринда турган ҳижрий 1061 (милодий 1650-51) йил Самарқандда кўчирилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган инв. № 2639 рақамли тўлиқ қўлёзма нусхасини таянч манба сифатида танлаб олинди.

Қўлёзма таркибий тузилишига кўра уч жилддан иборат бўлиб, 467 варақни ташкил қилади. Биринчи жилд (1б–172б в.) 18 бобдан, иккинчи жилд (173б-351а в.) 25 бобдан ташкил топган бўлиб, асосан ғусл, намоз ва бошқа ибодатларни баён қилади. Учинчи жилд (351б–467б в.) бобларга бўлинмасдан, ўз ичига қуйидаги фиқҳий масалаларни олган: закот, қурбонлик, талоқ, қулларга тегишли шарт–шароитлар, олди–сотди, вақф, васият ва ҳоказо.

Иккинчи жилднинг охирида, 344а варағида махсус сарлавҳа билан “Салоти Масъудий”да зикр этилган саҳобаларнинг исми шарифлари ва асарлар санаб ўтилади.

Асар котиб-Мир Ашраф ибн Мулла Муҳаммад Ҳусайн томонидан настаълиқ хати билан 18,5х25 ўлчамли Самарқанд қоғозига 23 йўл қилиб кўчирилган. Учта жилднинг барчасининг хати ва қоғози ўхшаш.

Қўлёзманинг 166-варағи йўқ бўлиб, кейинчалик унинг ўрнига бошқа қўл билан кўчирилган ўнта варақ қўшилган. Бир варақка жой бўладиган масалалар катта-катта ҳарфлар билан қора сиёҳда 13 қатор қилиб ёзилган. Асосий ўринлар эса кўк сиёҳ билан ажратиб ёзилган.

Деярли ҳар бир варақнинг четида қўлёзманинг эгасига тегишли муҳрда Фақиҳ Муҳаммад Шафиъ ибн Мулла Назар Муҳаммад исмлари аниқ ўқилади.

Муқоваси жигарранг қалин картондан бўлиб, четининг устки қисми кўчиб кетган. Лабагиси кўк рангли матодан кейинчалик таъмирлаш жараёнида тикилган. Варақларнинг четлари доимий варақлаш натижасида титилиб кетган. Бироқ китобнинг умумий ҳолати 1650 йилдан буён яхши сақланган.

Айрим варақларнинг ҳошияларида матнга шарҳлар–ҳошиялар берилган. Биринчи ва иккинчи жилдларнинг бошида муфассал мундарижа келтирилган.

Унинг илк 30 боби Имом Абу Ҳанифанинг ҳаёти, илмий фаолияти ва ахлоқий фазилатларига бағишланган, қолган 10 бобида эса мазҳабни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган олимнинг шогирдлари фаолияти баён қилинган. Муаллиф Имом Абу Ҳанифанинг ҳаёт йўли ва фаолиятини мукаммал қилиб ёритишга ҳаракат қилган.

Демак, “Салоти Масъудий” асарининг 1 ва 2-жилдлари намоз ва унга оид масалаларга бағишланган. 3-жилди эса ислом ҳуқуқининг бошқа кўплаб мавзу ва масаларидан таркиб топган бўлиб, улар алоҳида биттадан китобга сарлавҳа қилиб олинган. Ҳар бир фиқҳий мавзу ҳам ўз навбатида боб ва фаслларга бўлинган ҳолда ёритиб берилган. Шундай қилиб, ушбу нодир нусхада фиқҳ илмининг жами 30 та мавзуси қамраб олинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудий. ЎзР ФАШИ № 4041. 1333 й. Самарқанд шаҳрида котиб Носир ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Кирмоний ал-Ғазнавий томонидан сулс хатида кўчирилган. 244 в. Қўлёзма жилдларга бўлинмаган.

2. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди инв. № 2639. - Ҳижрий 1061 (м. 1650-1651) йил кўчирилган.

3. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 1943 йилда ташкил қилинган бўлиб, жаҳондаги энг бой қўлёзмалар - хазиналаридан саналади. Бу фонд ЮНЕСКОнинг умуминсоний аҳамиятга эга нодир объектлари рўйхатига киритилган.

4. ЎзР ФА Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти 1998 йилда ЎзР ФА Шарқшунослик институтига қўшиб юборилган. Ҳозирда унинг қўёзмалари мазкур институтнинг асосий ва дублет фондларидан кейинги учинчи фондини ташкил қилади ҳамда Ҳ.Сулаймонов мажмуаси деб аталади

5. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаснга 1943 йилда Диний бошқарманинг биринчи раҳбари, муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон (1860-1957) томонидан асос солинган. Бугунги кунда кутубхонада 20 минг нусхага яқин китоб сақланмоқда.

WORDLY KNOWLEDGE